

Илк бор муслима аёл ўт ўчирувчи бўлиб хизмат қилади



19:30 / 03.05.2021 1934

Буюк Британиялик муслима аёл Урус Аршид аёллар ҳам ўт ўчирувчилик каби қийин касбни муваффақиятли уддалай олишларини яққол мисоли бўлди. Урус мамлакатдаги биринчи муслима ўт ўчирувчи хизматчи аёл ҳисобланади.

Унинг сўзларига кўра, у эндигина иш бошлаганида, ҳамкасблари уни қўллаб-қувватлашган ва кислород ниқоби остида кийиладиган махсус ҳижоб совға қилишган. Ўт ўчириш бўлими вакили ташкилот бундай ҳамкорликдан фақат фахрланишини таъкидлади.

Ёнғин бригадалари иттифоқи котиби Урусанинг бу иши жуда муҳимлиги, у бошқа муслима аёлларга барча касблар уларга очиқ эканлигига мисол бўла олишини айтиб ўтди.

Аёлнинг таъкидлашича, у баъзида жинси, ташқи қиёфаси, дини билан боғлиқ тушунмовчиликларга дуч келади, шунга қарамай, иш жойини тарк этишни истамайди ва ёнғин билан курашишда давом этади.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси